

---

## ҲАР ҚАНЧА ЭЪЗОЗЛАСАК КАМ

Вилоят ҳокими ташаббуси билан уч йилдан буён ўтказилиб келинаётган „Оналарга эҳтиром“ фестивали доирасидаги тадбирлар туманимиздаги мактабгача таълим ташкилотлари томонидан яхши ташкилланаётганини эътироф этиш лозим. 24-ДМТТ жамоасида ҳам фестивал тадбири гўзал тарзда нишонланди.

Файзли ташкилланган байрам тадбирида туман ҳокими Дилшоджон Джалилов бош ҳокимият вакиллари, ташкилотда фаолият олиб бораётган ходимларнинг оналари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Байрамда туман ҳокими барча оналарни табриклаб, бунданда юксак эҳтиромларга лойиқ эканликларини, юртимиздаги тўкин-сочинлик, фаровонлик онахонлар дуолари туфайли эканлигини айтиб, ўзининг тилакларини билдирди.

Шунингдек тадбирда ҳокимият вакиллари, ташкилот раҳбарлари ҳам сўзга чиқишиб, йиғилган оналарга ширин тилакларини изҳор этишди.

Файзли дастурхон атрофида созандаларнинг куй-қўшиқларига ташкилотнинг жажжилари, йиғилганлар чиройли рақсларини намойиш этдилар.

Тадбирнинг энг унутилмас лаҳзаларида ташкилот ходимлари оналарига, устозларига ўзларининг дил сўзларини айтишиб, гулдасталар ҳадя этдилар.

ДМТТда ўтказилган „Оналарга эҳтиром“ тадбири эса қоларли, яхши ўтказилди.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-05-11 17:46:17